



ЁШЛАР ВА ТЕРРОРИЗМ: ТАҲДИДЛАР ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

**Ҳамдамов Абдували
Ахмедович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси
профессори*

**Машарипов Тохир
Эгамбердиевич**

*ИИВ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси, майор
gmail: masaripovtohir@gmail.com.*

Annotatsiya

Ушбу мақолада ёшлар орасида экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш борасида бугунги кунда қилинган ишлар юзасидан илмий таҳлил қилинган ва муаллифлар томонидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Kalit soʻzlar:

Ёшлар, терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси, давлат, жамият, сиёсий инсон ҳуқуқи.

Жаҳонда шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб ва нотинч геосиёсий вазият, турли можаро ва зиддиятларнинг авж олиши жонажон Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга доимо тайёр ҳолда муносиб жавоб қайтариш заруриятини янада кучайтирмоқда. Айниқса, айрим сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатларини илгари суриш йўлида ислом динидан нотўғри ва ғаразли мақсадларда фойдаланилиши ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий муаммоларнинг кўпайишига, давлат ва жамият хавфсизлигига жиддий таҳдидлар юзага келишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм муаммоси деярли барча мамлакатлар учун умумий хавфга айланиб улгурган. Сўнгги йилларда мазкур жинойтлар трансиллий хусусият касб этиб, халқаро ташкилотлар томонидан энг долзарб масалалардан бири сифатида кенг муҳокама қилинмоқда. Айрим таҳлилчилар терроризмни ҳатто глобал инқирозларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири сифатида баҳоламоқда. Мазкур муаммо мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан ажралиб туриб, жамият барқарорлигига жиддий путур етказувчи “ижтимоий касаллик” сифатида қаралмоқда.

Терроризм ва экстремизмнинг салбий таъсири барча давлатлар учун бирдек хавфли бўлиб, у давлат бошқаруви тизимида, ҳуқуқий институтларга, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, халқаро миқёсда терроризмга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро тузилмалар доирасида қабул қилинган қатор конвенция ва декларациялар мазкур таҳдидга қарши курашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда ҳам ушбу муаммонинг долзарблиги чуқур англаниб, терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шакллантирилган. Жумладан, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, шунингдек терроризмни молиялаштиришга қарши қаратилган қонунлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳада фаолият юритувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқда.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари фаолиятини халқ манфаатларига хизмат қилдириш устувор вазифа”[1] сифатида белгилаб берилгани бу борадаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминламоқда. Бу эса давлат органлари зиммасига катта масъулият юклаб, аввало халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлашни бош мақсад сифатида белгилайди[2].

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик ва одам савдоси каби трансмиллий жиноятлар инсон хавфсизлигига жиддий таҳдид солиб, уларнинг қурбонлари сони ортиб бораётгани ташвишли ҳолатдир. Худуд ва чегара билмайдиган бундай жиноятлар жамият тараққиёти ва давлатлар барқарор ривожига катта тўсиқ бўлмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш учун барча шароитлар яратилганига қарамасдан, айрим ёвуз ва ғаразли кучлар, диний мутаассиб гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида аҳоли орасида бузғунчи ғояларни тарқатишга уринмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай гуруҳлар асосан ёшлар қатламини нишонга олиб, уларнинг онги ва дунёқарашига таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Айниқса, ёш авлод орқали келгуси жамиятни шакллантириш имкониятидан келиб чиқиб, уларни ўз ғоялари таъсирига тортишга интиладилар.

Бунинг асосий сабаби шундаки, ёшлар ҳар қандай жамиятнинг келажагини белгилаб берувчи асосий куч ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши эса бу масаланинг аҳамиятини янада оширади. Бироқ, ўсмирлик ва ёшлик даврида ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги, соддадиллик ва орзуларга берилиш ҳолатлари уларни турли таъсирларга мойил қилади [3]. Айниқса, атроф-муҳитдаги айрим адолатсизликлар ёшларда руҳий зўриқишни келтириб чиқариб, уларни “буюк ғоя” ниқоби остида фаолият юритаётган етакчиларга эргашишга ундаши мумкин[4]. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, уларнинг экстремистик ва мутаассиб оқимлар домига тушиб қолиши хавфини кучайтиради.

Халқаро таҳлилларга кўра, ёшлар радикаллашуви глобал хавф сифатида ортиб бормоқда экстремистик гуруҳлар айниқса ёшларни интернет орқали жалб қилмоқда баъзи мамлакатларда мисол учун, Сингапурда терроризмга оид ҳолатларда ушланганларнинг 71% ёшлар ташкил этади. Сўнгги халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, терроризм ва экстремизмга оид жиноятларда ёшлар, айниқса 30 ёшгача бўлганлар салмоқли улушни ташкил этмоқда ва уларнинг радикаллашуви глобал хавф сифатида баҳоланмоқда.

Европа ва Ғарб давлатларида ҳам кўплаб ҳужумлар ёш, яқка тартибда радикаллашган шахслар томонидан содир этилмоқда. Шундан 10% ни олий таълим муассасалари талабалари, 30% ни мактаб ўқувчилари, қолган 16% ни бошқа ёшлар ташкил этади[5]. Ушбу рақамлар ҳам диний экстремистик ҳаракатлар ёшларнинг руҳий хусусиятларини инобатга олиб, уларга ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида алоҳида эътибор билан қараётганликларини кўрсатади.

Ҳар қандай диний мутаассиб оқим “ўлжа”сининг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ўз таълимотини жозибадор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бундай оқимлар таъсирига тушиб қолиши, шунингдек, одатдаги ахборот доирасидан ташқарига чиқадиган турли шов-шувларга ортиқча эътибор билан ҳам белгиланади. Бундай эътиборни бугунги кунда кенг тарқалаётган ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар озиқлантириб туради. Турли ахборот манбаларининг доимий таъсири остида бўлган бир пайтда инсон ғайририилмий, сохта диний ғояларни қабул қилишга мойил бўлиб қолади.

Экстремистик гуруҳларнинг асосий мақсадлари зўравонлик ва алдаш усуллари билан сиёсий ҳокимиятга эришиш бўлиб, бу йўлда гуруҳ етакчилари оддий аъзоларни бемалол қурбон қилиб юбормоқдалар. Бунинг натижасида мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрnidан, ҳатто ҳаётидан ажрамоқдалар.

Бундай шахсларни ҳар қандай топшириқни ҳеч иккиланмасдан бажариш даражасига олиб келиш учун эса синалган услублардан фойдаланмоқдалар.

Жумладан, “оз-оздан” технологияси асосида фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечқурунлари бирга диний адабиёт ўқиш, жамоанинг йиғинларида қатнашиш, фақат бир марта варақа тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган шахсни жиддий ёнбосишга мажбур қилиш йўлидан борилади.

Шунингдек, доимий “мияювиш” воситасида жамоанинг ғояларини амалга ошириш ёлланаётган кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади.

Сўнгра “гуруҳ орқали таъсир этиш” услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан “кўмиб” ташлайди.

Айни пайтда, ёлланаётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир

пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади[6].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши “ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан”,–деган хаёлдан йироқ бўлиши лозим. Чунки кўпчилик мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усулларида фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар.[7]

Ёшларнинг экстремистик оқим ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолишининг сабабларини бартараф этиш учун уларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Жумладан Мутахассислар фикрига кўра, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касбхунар коллежларида таҳсил олувчи ёшларда диний-маърифий билимлар етарли даражада шакллантирилмай қолмоқда. Хусусан, таълим даргоҳларида диншунослик ихтисослигига эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги сабабли ушбу фанлардан дарс ўтиш номутахассис бўлган педагогларга юклатилмоқда.

Шу билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шу билан бирга, комил инсон бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган психология ва миллий ғоя фанлари ўтилишида ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда номутахассис бўлган педагоглар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олмай, психологиясини билмай, ғоявий бўшлиқларини тўлдира олмай қолмоқда. Натижада ёшлар орасида динни нотўғри талқин қилиш ва турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учраб турмоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, террорчилар асосан 16–35 ёшлар атрофидаги шахслардан иборат бўлади. Террорчилик жиноятларини содир этувчиларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Ташкилотчилар. Ушбу тоифага тегишли бўлганлар ёшлик давридан террорчилик фаолияти билан шуғулланишга мойил шахслардир. Ҳозирги замон тиббиёти нуқтаи назаридан олиб қарасак, генетик террорчилар мия структурасининг туғма ёки ёшлигидаги оғишлари натижасида ҳокимиятни қўлга олиш, бошқариш каби иллатларга мубтало бўлади.

Таъминловчилар. Бу тоифага турли кўринишдаги ноқонуний ёки жиноий йўллар орқали моддий маблағ йиғиш билан шуғулланувчи шахслар киради. Улар ёлловчи, террорчилик ҳаракатларини тайёрловчи, ўргатувчи ва технолог каби турларга бўлинади.

Ижрочилар. Мазкур шахслар террорчилик ташкилотининг энг қуйи поғонасида туради. Уларнинг асосий вазифаси бевосита террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ҳисобланади. Улар портловчи мосламани портлатиш жойига олиб борувчи, масофадан ҳаракатга келтирувчи ва ўзини-ўзи портлатувчи аёл ҳамда эркаклардир.

Фаолият олиб боришда бузғунчи ташкилотлар ва гуруҳлар қуйидаги замонавий усуллардан фойдаланмоқда:

«Ҳижрат» ва «жиход» ғояларини, «шаҳид бўлиш» усулларини, оммавий террор ва яширин фаолият тактикасини тарғиб қилиш; ўз тарафдорларини ҳокимият тузилмаларига, жумладан, қуроли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нафақат тарғибот-ташвиқот, балки мустаҳкам ўрнашиб олиш

мақсадида киритиш; расмий диний тузилмалар вакилларининг мавқеини заифлаштириш мақсадида уларни обрўсизлантириш; аъзоларини етарли даражада аниқ ихтисослаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш билан ташкилий тузилмаларни, пухта ўйлаб чиқилган тизимни шакллантириш ва мустаҳкамлаш; ўз қаторига аҳолининг муайян қатлами вакилларини, масалан, тадбиркорларни кўплаб жалб этиш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кескин танқид қилиш, ҳокимият идоралари ва уларнинг вакилларини обрўсизлантириш; расмий ҳокимиятга таъсир кўрсатишга мўлжалланган очиқ, намойишкорона ҳаракатларни (пикетлар, варақалар тарқатиш ва ҳоказо) амалга ошириш; мутаасиблик руҳидаги адабиётларни кўпайтириш, бориш қийин бўлган тоғли худудлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бўш назорат қилинадиган жойларда маскан қуриш;

исломий ҳаёт тарзини ва давлат тузилишининг теократик шаклини кенг тарғиб қилиш, жумладан, босма нашрлардан фойдаланиб, варақалар тарқатиш, интернетда турли сайтлар очиб, ушбу сайтларга ўз экстремистик ғояларига мос мазмундаги материалларни жойлаштириш, дисклар тарқатиш.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавийруҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. “Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиганшарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан! “деган қарашларни сингдириш жараёнида айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади[8].

Ҳозирги даврда жаҳондаги давлатларнинг ярмидан кўпи диннинг давлатдан ажратилганини ёки давлатнинг диний ташкилотга нисбатан бетарафлигини ифодаладиган, Конституция ёки бошқа қонун даражасида белгилаб қўйилган қоидаларга эга. Юридик тан олингани ёки олинмаганидан қатъи назар, барча давлатлар дин ва эътиқод эркинлигига ҳурмат билан қарашларини эълон қилганликларини таъкидлаш зарур.

Дин ва жамият ҳаётидаги алоқадорликда дин ва давлат муносабатини белгилаб берувчи тамойил–дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва ундан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади. Дарҳақиқат, дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат масаласи инсоният тарихининг барча даврларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи ушбу икки таркибий қисм ўртасида муросага эришиш ҳар қандай жамиятнинг мавжуд ҳолати ва истиқболини белгиловчи бош мезон бўлиб келган. Баъзан ушбу икки омил ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, мамлакатларни тўс-тўполонлар ва жаҳолат гирдобига тортган. Ўрта асрлар Европасида амал қилган, ваҳшиёна

жазолар ва қийноқларнинг тимсолига айланган инквизиция даври бунга мисол бўла олади.

“Ўқувчи-талабаларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантириш бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари олдида турган энг мураккаб ва муҳим вазифалардан биридир. Унинг муваффақиятли ҳал этилиши икки муҳим омилга боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биринчи Президентимиз Ислом Каримов асарларида таъкидланганидек, “ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасидаги мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак”. Демак, динлар ҳақидаги мантиқий асосланган билимларни шакллантириш ва дунёвийлик тушунчасини чуқурлаштириб бориш ёшларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантиришнинг икки кутби ҳисобланади[9].

портлатиш жойига олиб борувчи, масофадан ҳаракатга келтирувчи ва ўзини-ўзи портлатувчи аёл ҳамда эркаклардир.

Фаолият олиб боришда бузғунчи ташкилотлар ва гуруҳлар қуйидаги замонавий усуллардан фойдаланмоқда:

«Ҳижрат» ва «жиход» ғояларини, «шаҳид бўлиш» усулларини, оммавий террор ва яширин фаолият тактикасини тарғиб қилиш; ўз тарафдорларини ҳокимият тузилмаларига, жумладан, куролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нафақат тарғибот-ташвиқот, балки мустаҳкам ўрнашиб олиш мақсадида киритиш; расмий диний тузилмалар вакилларининг мавқеини заифлаштириш мақсадида уларни обрўсизлантириш; аъзоларини етарли даражада аниқ ихтисослаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш билан ташкилий тузилмаларни, пухта ўйлаб чиқилган тизимни шакллантириш ва мустаҳкамлаш; ўз қаторига аҳолининг муайян қатлами вакилларини, масалан, тадбиркорларни кўплаб жалб этиш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кескин танқид қилиш, ҳокимият идоралари ва уларнинг вакилларини обрўсизлантириш; расмий ҳокимиятга таъсир кўрсатишга мўлжалланган очик, намойишкорона ҳаракатларни (пикетлар, варақалар тарқатиш ва ҳоказо) амалга ошириш; мутаасиблик руҳидаги адабиётларни кўпайтириш, бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бўш назорат қилинадиган жойларда маскан қуриш;

исломий ҳаёт тарзини ва давлат тузилишининг теократик шаклини кенг тарғиб қилиш, жумладан, босма нашрлардан фойдаланиб, варақалар тарқатиш, интернетда турли сайтлар очиб, ушбу сайтларга ўз экстремистик ғояларига мос мазмундаги материалларни жойлаштириш, дисклар тарқатиш.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳар йили 1 миллион бола фаҳш ва порнографик материаллар ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқаришда эксплуатация қилинади. Уларнинг кўпчилиги мажбурланган, йўлдан урилган ёки болалар савдоси қурбонларидир[10].

Экстремистик гуруҳлар ҳам ёшлардан ўзларининг ғаразли мақсадларида жуда кўп фойдаланадилар.

Жумладан, “Толибон” ҳаракати ўз фаолияти давомида ёшлар ва аёлларнинг илм олишига қарши қаттиқ кураш олиб боради. Шу сабабли ҳам уларнинг босқинчилик объектлари мактаблардан иборат бўлган. Афғонистон Маориф вазирлигининг маълумотларига кўра, “Толибон” ҳаракати биргина 2007 йилда мамлакатда 98 мактабни ёқиб юборишган, 147 нафар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига зомин бўлишиб, улар томонидан 236 маротаба ўқувчиларга ҳужум уюштирилган.

Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний мутаассиблик хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, ҳийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий ҳушёрликни талаб этади.

Минг афсуски, диний саводи паст бўлган айрим кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг куруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан бирига айланди. Мамлакатимиз ҳудудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, интернет тармоқларида тарқатилаётган материаллардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб диний экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Бундай кучлар ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уринмоқда.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний экстремизм ва мутаассибликнинг асл қиёфасини очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан. Сўнгги йилларда терроризмнинг турли кўринишлари вужудга келди. Аҳоли онгига таъсир кўрсатиш учун жамиятда мавжуд турли муаммоларга ирқий, диний, миллий тус бермоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда террорчилар 80 фоиз тарғиботларини интернет орқали амалга оширмоқда. Ёшларнинг маънавий тарбиясига ташқи бузғунчи кучлар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур кучлар ўзининг вайронкор ғояларини дин ниқоби остида ёшлар онгига сингдиришга уринмоқда.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, ҳуқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги

кундаги ривож ёшларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Айнан шу тараққиёт воситасидан усталик билан фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда.

Бунда экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузишни асосий вазифасига айлантирган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-30 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Улар психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб бораётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда “нишон”га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг “Facebook”, “Odnoklassniki”, “Vkontakte”, “Telegram”, “Twitter”, “WhatsApp” каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлари орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видеоролик) жўнатилиб, ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи “фатво”ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар катта куч ҳисобланади, уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нима сингдирилса, тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузоғига илинтиришга ҳаракат қилади. Улардаги ишонувчанлик, кучгайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади [11].

Шу билан бирга, бугунги кунда аксарият ёшлар интернет тармоғига уланган замонавий мобил қурилмалардан фаол фойдаланмоқда. Бу эса уларга турли ижтимоий тармоқларда эркин мулоқот қилиш, ахборот алмашиш ва дунё янгиликларидан тезкор хабардор бўлиш имконини яратади. Хусусан, мамлакатимизда энг оммалашган платформалар сифатида “Telegram” ва “WhatsApp” тармоқлари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Илм-фан тараққиёти маҳсули бўлган бундай технологиялар инсон ҳаётини енгиллаштириб, масофаларни яқинлаштираётгани, вақт ва имкониятларни тежаётгани шубҳасиз.

Бироқ, ахборот маконидаги бу қулайликлар билан бир қаторда, муайян хавф-хатарлар ҳам мавжуд. Хусусан, айрим ижтимоий тармоқларда

миллатлараро ва динлараро адоватни кўзғатувчи, жамиятда беқарорлик ва низоларни келтириб чиқарувчи, шунингдек аҳоли орасида ваҳима уйғотишга қаратилган ёлғон ва ифвогарона ахборотларнинг тарқатилиши жиддий ташвиш уйғотади. Айниқса, бундай ахборот муҳитидан экстремистик ва террористик гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида унумли фойдаланаётгани хавфлидир. Интернетнинг очиклиги, фойдаланувчилар сонининг кўплиги, маълум даражадаги анонимлик, ахборотнинг қисқа вақт ичида кенг аудиторияга етиб бориши ҳамда харажатларнинг камлиги каби омиллар улар учун янги тарафдорларни жалб қилишда қулай имконият яратади.

Афсуски, бундай манфур кучлар асосан етарли билим ва мустаҳкам дунёқарашга эга бўлмаган, диний тушунчаларнинг асл мазмунини чуқур англамаган ёшларни нишонга олади. Улар “жиход”, “такфир”, “шаҳидлик”, “ҳижрат” каби тушунчаларни бузиб талқин қилиб, ёшларни чалғитишга ва ҳатто ўз Ватанига нисбатан бегона муносабат шакллантиришга уринади. Шу билан бирга, айрим манбалар орқали ислом динининг асл моҳиятига зид бўлган асосиз ахборотлар, манбаси номаълум диний мазмундаги хабарлар, шунингдек ваҳима уйғотувчи фото ва видеоматериаллар кенг тарқатилмоқда.

Бундай шароитда айрим ёшларнинг ахборотни танқидий таҳлил қилмасдан, манбасини текширмасдан туриб қабул қилиши, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган маълумотларга ишониб қолиши янада салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу боис, ёшларда ахборот маданиятини, танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда, ёшларнинг терроризм ва экстремизм таъсирига тушиб қолишининг асосий сабабларидан бири уларда ҳуқуқий онг ва билимларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, диний маърифатнинг етишмаслиги, билимга бўлган қизиқиш ва интилишнинг нотўғри йўналтирилиши, ортиқча ишонувчанлик, қисқа вақт ичида муваффақиятга эришиш истаги — яъни максимализм каби маънавий-руҳий омиллар ҳам бу жараёнга сезиларли таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм — инсонийлик, меҳр-оқибат ва ахлоқий қадриятларга зид бўлган, жамиятдаги қонун ва тартибни издан чиқаришга қаратилган хавфли иллатдир. Террорчилар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида нафақат тинчлик ва барқарорликка раҳна солади, балки жамиятнинг энг нозик қатлами бўлган ёшлар онгига таъсир кўрсатиш орқали келажакка ҳам таҳдид солади. Айниқса, ҳали мустақил фикрлаш кўникмалари тўлиқ шаклланмаган ёшларнинг турли бузғунчи ғояларга мойиллиги бу муаммони янада долзарб қилади.

Шу нуқтаи назардан, ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг касбий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, уларнинг замонавий таҳдидларга нисбатан чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш зарур. Шунингдек, ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг салбий оқибатларини кенг тушунтиришга қаратилган тизимли ва таъсирчан тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, жамиятда турли зарарли мафкура ва оқимларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қила оладиган, уларнинг хавф даражасини холис баҳолайдиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш орқали ёшларнинг экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мумкин. Фақатгина комплекс ва изчил ёндашув орқалигина биз соғлом дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган ва ҳар қандай ёт ғояларга қарши тура оладиган баркамол авлодни тарбиялай оламиз.

1. Мирзиёев Ш.М. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”. (Мурожаат санаси: 03.03.2022). URL:

https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25yil

2. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий

тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 4(1), 61-69.

3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри.

– Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2022. –Б. 325.

4. Диний экстремизм ва бузғунчи оқимларнинг сохта ғояларига қарши кураш. Юнусов М.

<http://hazratnavoi.uz/maqolalar/diniy-ekstremizm-va-buzunchi-oimlarning-sohta-oyalarigaarshi-kurash.html>.

5. Д.Б.Қодиров, П.Р.Бобожонович 2023 йил жиноятчилик таҳлили. Ўқув қўланма-Тошкент:

2024 й –Б. 41.

6. Исломов З.; Икромов Ш. “Экстремизм ва терроризм тараққиёт душмани. Ички ишлар

тизими ходимлари учун ўқув-амалий қўланма”. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,

2015. – Б. 5.

7. Диний экстремизм – ноаниқ хавф. <https://telegra.ph/Diniy-ehkstremizim--noani%D2%9B-havf-08-30>.

8. Хусниддинов З. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т: ТИУ. 2005. – Б. 116-117.

9. Шермухамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга

қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўланма / – Т.: Movarounnahr, 2016. –

Б. 23.

10. Доктор Роғиб Саржоний. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳаётларидаги раҳмат

(тарж. Х.Абдулвоҳид қизи, Д.Камолхон қизи). – Т.: Шарқ, 2021. – Б. 53.

11. Шермухамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга

қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / – Т.:
Movarounnahr, 2016. –

Б. 176-185.

12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,»Ўзбекистон»,2017.– 48.Б.

13. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг худудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 115б
А.К.Закурлаев